

## ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Турапов Равшан Абдуллаевич

иқтисод фанлар доктори, профессор

Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси,

Ҳаёт фаолияти хавфсизлигини ўқитиш маркази.

Жўраев Фарҳод Мехмонқўзиевич

Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси

бўлим бошлиғи.

Муродов Дилшод Шуҳратович

Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси

Ҳаёт фаолияти хавфсизлигини ўқитиш маркази бошлиғи, майор.

**Аннотация:** Мақолада ҳаёт фаолияти хавфсизлиги тушунчаси берилган, ҳаёт хавфсизлигини таъминлашда амалга ошириш керак бўлган ишлар кўрсатиб ўтилган, ишлаб чиқариш чангларни, заҳарли моддалар инсон организмига турлича таъсир қилиш мумкинлиги ва уларга қарши чоралар белгилаб ўтилган.

**В статье:** дано понятие безопасности жизнедеятельности, показаны практические меры по обеспечению безопасности жизни, предложены меры по предотвращению влияния производственных отходов и влияния вредных веществ на человеческий организм.

**The article :**gives the concept of life safety, practical measures to ensure the safety of life are shown, measures to prevent the impact of industrial waste and harmful substances on the human body are proposed.

**Калит сўзлар:** ҳаёт фаолияти, хавфсизлик, техноген, талофат, заарали, ёнғин, респиратор, газ ниқоби, маҳсус кийим, ҳимоя воситалари, фавқулодда вазият.

**Ключевые слова:** жизнедеятельность, безопасность, техногенный, потери, вредный, пожар, респиратор, противогаз, одежда, средства защиты, чрезвычайная ситуация.

**Keywords:** vital activity, safety, technogenic, losses, harmful, fire, respirator, gas mask, workwear, means of protection, emergency situation.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги тушунчаси – инсоннинг жамиятда, таълим олишда, ишлаб чиқаришда, яшашда, фаолият олиб боришида муҳитнинг хавфсиз бўлиши, табиий ва техноген хусусиятли вазиятлардан ҳимояланиши, табиат ва одамзот ўйғулигини сақлаши, умуман олганда, инсоннинг шу заминдаги ҳаётининг хавфсизлигини таъминлаш тушунилади.

Нохуш вазиятлар юзага келтираётган таҳдид ва талофатларни камайтириш, ҳаёт хавфсизлигини таъминлашнинг ягона йўли аҳоли ўртасида кенг миқёсидағи таълимтарбия ва тарғибот ишларини амалга оширишdir.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишларидан бири – республикамиз фуқароларини ишлаб чиқариш жараёни ва бошқа ҳолатларда мавжуд ёки вужудга келиши мумкин бўлган турли хавфли ва зарарли омиллар таъсиридан ҳимоялаш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида таъминлаш ҳамда санитария ва гигиена талабларига мос меҳнат шароитларини яратиб беришдан иборатdir.

Инсониятнинг узоқ ўтмиш ҳаётий тажрибаси ҳар қандай фаолият потенциал хавфга эга эканлигини тасдиқлади. Хавф даражасини бошқариш ҳамда камайтириш ҳам мумкин. Лекин, қандай ҳолатда бўлмасин мутлоқ хавфсизликка эришиб бўлмайди. Инсоннинг меҳнат хавфсизлигини таъминлаш биринчи навбатда унинг меҳнат фаолияти жараёнини ва уни амалга оширишда юзага келадиган хавфли омилларни ўрганиши талаб этади.

Саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш жараёнида хавфли омилларига ёнғин ва портлашларга сабаб бўлувчи хонада йиғилган заҳарли моддалар, ишлаб чиқариш чанглари киради. Бу заҳарли ва портлашга хавфли чанглар ёнувчи портлаш ҳосил қилиши билан бирга, инсон саломатлигига ҳам жиддий зарар эткизади.

Ишлаб чиқариш чанглари, заҳарли моддалар инсон организмига турлича таъсир кўрсатиши мумкин ва уларга қарши чоралар қўйидагича белгиланади:

Нафас олиш органлари орқали – нафас олиш пайтида кириб, таъсир кўрсатади. Буларга қарши докали маска, респиратор, газ ниқоб ишлатилади;

Меъда-ичак орқали – овқатга қўшилиб ошқозонга тушиши мумкин. Буларга қарши идиш-товоқ ва қўлни яхшилаб ювилади;

Терига таъсир этиш орқали – зарарли моддаларга қарши маҳсус кийим ва ҳимоя воситалари бўлиши лозим.

Кўз ва шиллиқ қаватлар орқали – ярим ёки тўлиқ маскали кўзойнак ва маскалардан фойдаланиб ҳимояланиш керак.

Ҳаётимизда кўпгина табиий ва техноген хавф-хатар билан тўқнашамиз ва улардан кўриладиган талофатларни камайтиришга уринамиз. Уй-жой ичидаги хавфсизлик ва фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш қоидалар ўрганиш табиий офатлар хавфи юқори ҳудудларда яшаганда энг оқилона эҳтиёткорлик чоралариридир.

Бугунги табиат инжиқларни кўп кузатилаётган бир вақтда аҳолининг юз бериши мумкин бўлган табиий офатлар, уларнинг хусусиятлари, келтириши мумкин бўлган талофатларини камайтириш усуслари ҳақида билим ва кўниумага эга бўлишилиги ўта муҳим масаладир.

Кўп холларда қидирав-қутқарув ишларини вайроналар шароитида олиб боришга тўғри келади. Вайрона – деб қурилиш материаллари ва конструкциялари, технологик

ускуналарнинг бўлаклари, санитар-техник воситалар, уй жиҳозлари ва бошқаларнинг бетартиб бостирилишига айтилади.

Вайроналар ҳосил бўлишининг сабаби табиий офатлар (зилзила, сув тошқини, цунами, ер кўчкиси, шамол, сел оқимлари, тўфонлар), материаллар эскириши ва коррозиясига олиб келувчи табиий омиллар таъсири (атмосфера намлиги, ер ости сувлари, тупроқнинг чўкиши, ҳаво ҳароратини кескин ўзгаришлари), лойиҳалаш ва қурилиш жараёнидаги хатоликлар, фойдаланиш ва эксплуатация қоидаларининг бузилиши, ҳарбий ҳаракатлар.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги тушунчаси ўз ичига инсоннинг жамиятда, ишлаб чиқаришда, яшашида, фаолият олиб боришида муҳитнинг хавфсиз бўлиши, табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан сақланиши, уруш ва терроризм хуружидан ҳимояланиши, табиат ва одамзот ўйғунлигини сақлаши, умуман олганда, инсоннинг шу заминдаги ҳаётининг хавфсизлигини таъминлаш тушунилади.

Ҳозирги замонда аҳоли хавфсизлигига таҳдид solaётган энг муаммоли вазият бу қирғин қуроллариридир.

Қирғин қуроллари деганда жуда катта миёсда вайронагарчилик ва йўқ қилиш учун мўлжалланган қуроллар тушунилади.

Илм, фан ва техниканинг ривожланиши билан бу қуроллар ҳам ривожланиб, янги турдаги қуроллар пайдо бўлди. Масалан, инфратовушли, радиологик, нурли, этник ва ҳ.к.

Аҳолини оммавий қирғин қуролларидан ҳимоя қилиш, бу хавфни олдини олиш бугунги кунда бутун инсониятнинг асосий вазифаларидан биридир.

Ҳаёт фаолияти хавфини оширувчи турли хилдаги омиллар мавжуд. Биринчи ўринда иқлим ўзгариши натижасида дунёning қатор минтақаларида табиий офатларни рўй бериши, юқори технологиялар билан жиҳозланган техник воситаларнинг авария ҳолатларига тушиши ва унда кишиларни бевақт ҳаётдан кўз юмишлари, атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражаси, ифлослантирувчи моддалар таркиби, инсон иш шароитининг микроиқлимининг ҳолати, атмосферани булғовчи омиллар, яъни зарарли моддаларни ажратувчи манбаалар ва уларнинг ташқи муҳитга таъсири, атмосфера таркибидаги чанглар, ишлаб чиқариш заҳарлари бўлиши мумкин. Инсон ҳаёт фаолиятининг яна бир хавфли омили бу турли хилдаги зарарли чангларни атмосферага чиқарилиши ҳисобланади.

Дунё бўйича фавқулодда вазиятлар мониторинги шуни кўрсатадики, инсониятнинг хавфли технология, табиий офат, сиёсий ва иқтисодий инқизорзларга тобеълиги, афсуски, тобора ортиб бормоқда.

Юқорида келтирилган таҳлиллардан кўриниб турибдики, барча бўлаётган вазиятларда, уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимининг функционал ва ҳудудий қўйи тизимлари, корхона ва ташкилотларнинг фуқаро муҳофазаси бўйича мутахассисликлари учун юзага келиши мумкин бўлган вазиятларнинг олдини олиш, бартараф этишда тезкор ҳаракат қилиш, профилактик

чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, аҳолини, айниқса, фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилишга ўргатишда ҳаёт фаолияти хавфсизлиги билимлари ва кўникмалари мухим аҳамият касб этади.

Юқоридаги вазифаларни ҳал қилишда Ўзбекистон минтақаси учун хос бўлган табиий оғатларни, ишлаб чиқариш аварияларни ва юзага келадиган экологик вазиятларни фуқаро ҳаёт фаолиятидаги меҳнат хавфсизлигини чуқур таҳлил этиш натижасидагина ҳар қандай вазиятлардаги моддий, маънавий йўқотишлар кўламини қисқартиришга эришиш мумкин.

Инсон табиат ва жамият ўртасидаги мұносабатда, табиатнинг қонунлари ва ундан келиб чиқадиган кўпгина ҳодисаларнинг олдида, жамиятларнинг ўртасида ёки бошқа сабаблардан келиб чиқадиган вазиятларда жавобгар ҳисобланади.

#### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Юлдашев О. Р., Нурмаматова Р. Р. Меҳнат мұхофазаси: Дарслик. – Т., 2019, 17-18 б.
2. Юлдашев О. Р., Нурмаматова Р. Р. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги: Дарслик. – Т., 2020, 24 б.
3. С. В. Петров, В. А. Макашев. Опасные ситуации техногенного характера и защита от них. Учебное пособие. – М., 2008, с. 112.
4. Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан мұхофаза қилиш соҳасида фан ва технологиялар ютуқлари: Илмий семинар материаллар тўплами. – Т., 2017 й.
5. Kh, K. S., Ibragimova, Z. J., & Kh, O. I. (2023). INDICATORS OF CENTRAL HEMODYNAMICS, VENTILATION, OXIMETRY AND BLOOD FILLING OF THE BRAIN DURING INDUCTION OF ANESTHESIA WITH SEVOFLURANE IN CHILDREN. *Journal of Pharmaceutical Negative Results*, 2749-2754.
6. Kh, K. S., Ibragimova, Z. J., & Kh, O. I. (2023). INDICATORS OF CENTRAL HEMODYNAMICS, VENTILATION, OXIMETRY AND BLOOD FILLING OF THE BRAIN DURING INDUCTION OF ANESTHESIA WITH SEVOFLURANE IN CHILDREN. *Journal of Pharmaceutical Negative Results*, 2749-2754.
7. Kh, K. S., Ibragimova, Z. J., & Kh, O. I. (2023). INDICATORS OF CENTRAL HEMODYNAMICS, VENTILATION, OXIMETRY AND BLOOD FILLING OF THE BRAIN DURING INDUCTION OF ANESTHESIA WITH SEVOFLURANE IN CHILDREN. *Journal of Pharmaceutical Negative Results*, 2749-2754.
8. Kh, K. S., Ibragimova, Z. J., & Kh, O. I. (2023). INDICATORS OF CENTRAL HEMODYNAMICS, VENTILATION, OXIMETRY AND BLOOD FILLING OF THE BRAIN DURING INDUCTION OF ANESTHESIA WITH SEVOFLURANE IN CHILDREN. *Journal of Pharmaceutical Negative Results*, 2749-2754.
9. Kh, K. S., Ibragimova, Z. J., & Kh, O. I. (2023). INDICATORS OF CENTRAL HEMODYNAMICS, VENTILATION, OXIMETRY AND BLOOD FILLING OF THE BRAIN DURING INDUCTION OF ANESTHESIA WITH SEVOFLURANE IN CHILDREN. *Journal of Pharmaceutical Negative Results*, 2749-2754.